

**ISSN 2010-720X**

# **ILIM HÁM JÁMIYET**



## **FAN VA JAMIYAT**

**2021 (№4)**


ISSN 2010-720X

2004-jıldızı mart aynan baslap shıǵa basladı

## ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ HÁM ORTA ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRIGI



ÁJINIYAZ ATÍNDAĞI NÓKIS MÁMLEKETLIK  
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ



## ILIM hám JÁMIYET

Ilimiy-metodikalıq jurnal

Seriya: Tábiyyiy hám texnikalıq ilimler. Jámiyetlik hám ekonomikalıq ilimler.  
Filologiya ilimleri

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat  
pedagogika instituti

## FAN va JAMIYAT

Ilimiy-uslubiy jurnal

Seriya: Tabiiy va texnika fanlari. Ijtimoiy va iqtisodiy fanlar. Filologiya fanlari

Нукусский государственный педагогический  
институт имени Ажинияза

## НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

Серия: Естественно-технические науки. Социальные и экономические  
науки. Филологические науки

Nukus State Pedagogical Institute  
named after Ajiniyaz

## SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

Series: Natural-technical sciences. Social and economic sciences.  
Philological sciences

№4  
2021

## ТИЛГА АНТРОПОЦЕНТРИК ЙЎНАЛИШДА ЁНДАШУВ: ФАТИКА ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Н.Хамроева – ўқитувчи

Бухоро давлат университети

**Таянч сўзлар:** pragmalingvistika, фатик мулокот, нутқ акти, фатик нуткий жанрлар, контактни ўрнатиш, контактни кўллаб – кувватлаш ва тугатиш.

**Ключевые слова:** pragmalingvistics, fatic communication, speech act, fatic speech genres, small talk, contact setting, contact support and termination.

*Кириши.* XX аср охири XXI асрнинг боши лингвистик тадқиқотлар обьекти доирасининг сезиларли даражада кенгайши билан аҳамиятили бўлиб хисобланади. Ҳозирги кунда антропология, психология, социология, маданиятшунослик ва бошка катор фанларсиз тил ўрганиш соҳасида жиддий натижаларга эришиш мушкул вазифа эканлигига ишонч хосил қилинди. Ўзининг барча психологик хусусиятлари, ижтимоий мавжудлик шакли ва маданий қадриятлари билан инсон лингвистикасининг дикқат марказига кўйилган антропоцентрик принцип лингвистика соҳасида янги фанларнинг – pragmalingvistika, нутқ жараёнларининг назарияси, психолингвистика, социолингвистика каби фанларнинг шаклланишига имкон берди.

*Мақсад ва вазифа.* Ушбу мақолада нуткий мулокотнинг кўриниши сифатида фатиканинг моҳиятини очиб бериш мақсад килиб олинди. Фатик нуткий жанрлар (НЖ)ни таҳлил этиш олдимишга кўйилган вазифадир.

*Натижса ва ютуқлар.* Тил соҳасидаги замонавий изланишлар антропоцентрик йўналишда давом этаётганлиги фатика муаммосини тадқиқ килишда янги комплекс ёндашув заруратини тақозо этмақда. Инсоннинг ижтимоий ҳаётида, дунёни англашида, янги билимларни ўзлаштиришида вербал мулокотнинг муҳимлигини хисобга олсан, фатиканинг мавқеи, унинг илмий ва амалий аҳамиятини ўрганиш лингвистик жиҳатдан кизиқ муаммо эканлиги билан характерланади.

Шуни қайд этиш лозимки, хозирги тилшуносликда фатик мулокот йўналишини тушуниш турли хил талқинларга эга. Бир гурух олимлар учун (Скрипниченко, Формановская) фатик функция алоқа ўрнатишни англатса, бошка бир гурух олимлар учун (Куликова, Саямина, Федорова) фатика функцияси нафақат контакт ўрнатиш, балки уни кўллаб – кувватлаб туриш ҳамdir. Биз учун анча мұқобили бу фатик мулокот интеракцияни ташкил этиш воситаси, яъни тил воситаларининг контактни ўрнатиш, кўллаб – кувватлаш ва тугатишда ишлатилишидир (Р.О.Якобсон, Г.Г.Почепцов, И.Н.Горелов, К.Ф.Седов). Н.И. Формановская фикрича, ҳар бир фатик матнда ўзига хос мантиқ бўлади. Чунки у маъносиз эмас. Шу сабабли ҳам информтика ва фатика бор жойда дискурсларнинг аралаш турлари учрайди. Маслан, тингловчи-ларга янги маълумот етказишга мўлжалланган оғзаки нутқ бир вактнинг ўзида тингловчилар дикқатини жалб этиши, улар фаоллигини ошириши, ҳақиқатни аниқлашада ҳамсуҳбатлар фикрлашларини фаоллаштириш учун алоқани сақлаб туриш элементларига эга бўлади.

Шунинг учун ўзаро алоқани сақлаб туришда фатика соҳасига жуда катта доирадаги метакоммуникатив бирликларини киритиш мумкин бўлади. Масалан: “Сиз биласизми, нима...”, “Биз сиз билан у ва бу тўғрисида олдин гаплашган эдик”, “Энди навбатдагига ўтамиш”, “Келинг, кўриб чиқамиш” ва. ҳ. к.з. Фатик нутқ асосан турмушдаги оддий жанрларни куруқ ҳангома, лоф ва нутқ этикети билан боғлиқ жиҳатларни ўзида музассамлаштирган бўлади. Мулокот иштирокчилари мулокот вазиятига қараб нутқ алоқаси элементларини танлайдилар. Нутқ алоқасини ўрнатиш босқичлари

хусусиятларидан бири шундаки, у диалогик акт таркибида анча ижтимоий моҳиятга эга бўлади.

Фатик нутқда ўзини тутиш деганда нутқ акти – интенция тушунилади. Бунда интенцияни амалга ошириш мулокотга киришиш афзаллигидан келиб чиқади. Унда: 1) фатик хулқ атворда хусусий мақсадлар дастлабки алоқа импульсига буйсунгандан бўлади; 2) фикр билдиришнинг информатив вазифаси иккинчи даражали бўлади; 3) коммуникатив-стилистик характеристики коннотатив режа, аксинча, мутлоқ қадрият сифатида бўлади. Фатик коммуникация лексиканинг десемантизацияси билан характеристланади. Нутқни тўлдириб турувчи нутқ тўлдиригичларининг мавжудлиги бошқариладиган ва доимий ишлаб чиқиладиган формулаларнинг борлиги билан ҳам характеристланади. Фатик мулокотда новербал белгили, кодификация қилинмаган ва релевант мулокотлар роль ўйнайди. Кўп холларда “тирик” диалогнинг вербал ва новербал қисмларини ажralган ҳолда кўриши имконсизdir. Фатик мулокотнинг мақсади ва мазмуни одатда фатик мулокотнинг ўзига тенг бўлади.

Мулокотнинг кандай бўлиши аслида ҳамсуҳбатнинг хулқи билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлади. Нима олдинги ўринга чиқишига қараб, ҳамсуҳбатнинг мулокот жараёнида ўзини тутиш манераси белгиланади. Бу эса кандайдир информатив ёки фатик нутқ жанрлари бўлишини шарт килиб кўяди.

Фатик нутқ жанрларига бағишлиланган ишлар Н.Д.Арутюновой, Т.Г.Винокур, В.В.Дементьева, В.З.Демьянкова ва бошқалар тадқиқотларида учрайди. Т.Г.Винокур и В.В.Дементьевва концепцияларида фатика “мулокотнинг ўзи асосий мақсад бўлган” мулокотга киришишини англатади.

Бу ўринда фатик нуткий жанрлар (НЖ)ни ҳам келтириб ўтиш жоиздир. а)Шахслараро муносабатларни билвосятига бузадиган фатик НЖлар. Улар жавобгарликни коммуникантга ағдариш: лакилатиш, масхара, ёлғон мактоб, кинояning турли кўринишлари;

б) Шахслараро муносабатларни билвосятига яхшилайдиган фатик НЖлар: флирт (кочирим), ҳазил. Шу билан бирга small talkни ажратишади, уларни кўллаганда муносабатлар ёмон ҳам яхши ҳам бўлмайди.

Фатик мулокотнинг лутф (хушомад, мактоб) жанрини Иzzat Султон ва Ўйғунларнинг “Алишер Навоий” драмасида кўплаб учратиши мумкин:

*Мунажжим: Фалакнинг ҳалқумин соҳир сиқибдорур, Қарангиз, уч қуёш бирдан чиқибдорур.*

*Жомий: Узуб бир ғулни, ҳоҳлардимки, боқсам, Бўлуб ҳурсанд, ани чаккамга тақсам.*

*Мажсиддин: Агар қўл чўзсангиз гулларга бирдан – Учб қетмасмикин қушлар чамандан. (Кулишади)*

Шу драмада Астробод шахрида оғир руҳий ҳолатда бўлган Мансур Мир ва Абулмалиҳ сухбатларига кўшилгач, сухбатга ҳеч қандай алоқдор бўлмаган обҳаводан сўз бошлаши ҳам фатиканинг мулокотга кириши турларидан бири сифатида кўрсатилиши мумкин:

*Мансур: Бу ернинг ҳавосига сира тушуниб бўлмайди. Эрталаб совуқ эди. Қундузи ёмғир ёғди, ҳозир осмон чарақлаган ойдин кеча.*

*Абулмалиҳ: Ҳа... Бу ерда бир кунда йилнинг тўрт фаслини бошдан кечириши мумкин.*

*Навоий: Ҳа... Астрободнинг бир куни бир йилга тенг. Биз гариллар учун бу ерда умр ўтказиш мажбурий, сенга эса увол.*

Шунингдек, ўнгайсиз ҳолатда қолган Озода ҳам келийиси – акасининг хотини билан сұхбатни обхаво ва табиатта буради:

*Озода: (Азизанинг пайдо бўлганига ажабланиб, ҳамон ўз ҳислари аросатида). Салом, келийи!*

*Азиза: Салом, Озодахон!*

*Озода: Қаранг, табиат қандай чиройли!*

*Азиза: (аввали гамгин кайфиятда, аммо табиатниг ғўзалигига қойил бўлмасдан иложисиз) Ҳа, ўзига маҳлиё қиласди.*

*Озода: Ҳозиргина мен кўнглимда ҳар бир кунимизнинг мана шундай ёргу бўлишини тиладим.*

*Азиза: Яхши тилак! Эзгу умид!*

*Озода: Осмоннинг тиниҷигини қаранг-а!*

*Азиза: (ташқарига тикилиб, афсус билан) Узоқдан қора булут кўтарилиб келяпти.*

*Озода: Ўткинчи булут*

Фатик робитадорликнинг жанжал-тахқир тури сифатида Иzzat Султоннинг “Имон” драмасидан қатор ҳолатларни келтириш мумкин. Чунончи:

*Комилов: Ҳа, даминг ичингга тушиб кетдими? Қани, энди чиқ бу ердан!*

*Санжаров: Мен ҳали кетмайман.*

*Комилов: Кет дегиман. ... Йўқол!*

*Ойша: Йўқол дегандан кейин йўқолсангиз-чи!*

*Санжаров: Бизнинг гапимиз ҳали тамом бўлгани ўйъ.*

*Комилов: Гап тамом. Йўқол!*

Бундай фатик мулокотнинг жанжал жанрига яхшигина намунани (хатто тингловчи эшишини истамайдиган кўринишини) “Бойбачча” бадий фильмда шаллаки хотиннинг қулоқларига паҳта тиқиб олган Бойвачча билан “сұхбати” лавҳасида ҳам кўриш мумкин.

Л.Витгенштейн томонидан фатикани фалсафий изоҳлашга асос солинди. Тил ўйинлари назариясини яратган олимнинг ушбу гаплари машҳурdir: “Бизни чулғаб олган саросималик тил ишлаётган пайтда бўлмай, балки куруқ гап давомида содир бўлади”. Ўшандан бўён кўп олимлар (Т.Г.Винокур, Б.Малиновский, Г.Г.Почепцов) фатика категориясини ўрганишга ўзларининг хиссаларини кўшиб келдилар. Лекин 1955 йилда Гарвард Университетида “Сўз ёрдамида нарсаларни қандай ясаш мумкин” (*“Howto do things with words”*) номли маъruzalari билан танилган Д.Остин ишлари бу йўналишда анча устувордир. Остин шогирди Дж. Сёрл томонидан “Сўз ҳаракат сифатида” номи билан бу китоб - *“Howto do things with words”* рус тилида чоп этилган. Остин фикрича, фатик акт бу ҳали ҳамкорлик дегани эмас. К.Ф. Седов фатик жанрлар хусусида гапирав экан, улар орасида алоҳида “хангома” жанрини ажратиб кўрсатади. Бу асосда чат мулокотини сұхбат ёки хангома жанрига кирувчи алоҳида субжанр деб қараш мумкин.

Сўзловчилар ва тингловчилар учун риторик қоидалар (самарали нутқ қоидалари) – булар шундай

қоидаларки, мураккаб прототипик характердаги информатив ва фатик Н.Ж.ларни яратганда, уларга амал қилиш талаб этилади. Адресатга мўлжалланган фатик моҳиятга эга самарали мулокотнинг барча тамойил ва қоидаларини Н.И.Формановская қўйидаги ўзаро боғлик ва ўзаро бўйсунувчи қоидалар билан белгилайди:

1. Ҳамсұхбатга (унинг дунёкараши, ижтимоий ва психологияк роли, унинг фикри, холати ва х.к.з.) қараб мўлжал олиш.

2. Ҳамсұхбатга ишонч ва у билан ҳамкорлик

3. Ҳамсұхбатга эътибор (унинг обрўси, мавқеи ва мулокот мақсадларига эътибор).

4. Мулокотда бўладиган резонансни ҳисобга олиш (розилик, розилик олиш ёки аксинча).

5. Хушмуомала бўлиш ва нутқ ахлоқи қоидаларига амал қилиш.

6. Ҳамсұхбатга енгил таъсир қилиш.

7. Нутқ хулқ атворининг асосланганлиги (коммуникатив вазият нуқтаи назаридан).

8. Нутқ хулқ атворини танлаш имконияти, мулокот давомида мулокот стратегияси ва тактикасини ўзгартириш.

9. Мулокотчиларда нутқ хулқ атвори варианatlари буйича кўнкималарнинг бўлиши

10. Нутқ хулқ атвори модели ихчамлиги бўйича зарур тасаввурларнинг бўлиши (бошқа усулга, кодга, мавзуга, тактикага ўтиш)

11. Нутқ воситалари тил вариативлиги кўнкималарига эга бўлиш.

12. Тил хулқ атвори стандартлашуви, стереотиплашуви билимларига ва усуллар, жанрлар ҳамда воситалар стереотиплари билимига эга бўлиш.

13. Мулокотнинг сценарийлиги (схемалар, сценарийлар, турили вазиятлардаги фреймалар ва улардан фойдалана олиш) хусусида тасаввурларнинг бўлиши.

Хулоса. Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, фатик мулокот, ўзида мавзувий маълумот ташимайди, аммо диалогик дискурсда мавзуни аниқлаш ёки уни ўзгаририш кобилиятига эга, яъни уни бошқарди. Фатик коммуникация ўзида фатик ва информатив катламнинг ўзаро ўтказувчанилигини ифодалайди. Дискурс бошида адресатга коммуникация партнёрининг миллий-маданий ва шахсий-индивидуал хусусиятлари ҳақида зарурий минимум маълумотларини беради, мулокотга тоналлик баҳш этади, интеракциянинг кутилаятган мавзулари доирасини аниқлайди. Шу аснода, фатик коммуникация ижтимоий-дейқтив маълумот ташувчиси ҳисобланади. Фатик матннаги мухим маълумот, дискурсда коммуникантларнинг тасаввурларидаги контекстуал шартларни ифодалаш орқали фаоллаштириш ҳақидаги интерсубъектив маълумотлари ҳисобланади.

### Адабиётлар

- Гурочкина А.Г. Когнитивный и прагмасемантический аспекты функционирования языковых единиц в дискурсе: Учебное пособие. - СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена. 2005. -С. 102.
- Сепир Э. Избранные труды по языкоznанию и культурологии. - М.: «Прогресс», 1993. - С.259-265.
- Сидорова Е.В. Основы коммуникативной лингвистики. - М.: 1986. -С.48-60
- Тоирова Г. Фатика ва фатик мулокот турлари .ЎзМУ хабарлари –Тошкент: 2016, № 2. 291-295-б.
- “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 635-б.
- Хамроева Н.Н. Комплiment как одна из форм фатического общения. Komplement as one of fatic communication forms. //Міжнародний научковий журнал «Інтернаука». 2020. -С.107.
- Hamroyeva N. "Илтифотнинг прагмалингвистик хусусиятлари." Центр научных публикаций (buxdu. uz) 2.2 (2020).

## TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANÍW

	Til bilimi
<b>Бекниязов Q.I., Shinnazarov N.J.</b> T.Jumamuratov shıǵarmalarında kómekshi sózlerdiń stillik qollanılıwı .....	70
<b>Бердимуратов Д.У., Тажигалиева М.</b> Принципы раскрытия в толковом словаре стилистической маркированности фразеологических единиц (на материале немецкого языка) .....	72
<b>Эминли Б.И.</b> Фразеологизмы как этнокультурологический фактор диалогического общения .....	74
<b>Хамдамова Х.</b> От сүз туркумiga хос сўзларнинг метафорик табиati .....	77
<b>Ҳамроева Н.Н.</b> Тилга антропоцентрик йўналишда ёндашув: фатика ва унинг хусусиятлари .....	79
<b>Карлыбаева Г.Е.</b> Ажиниёз лирикасида сўз маъноси кўчиши усуслари .....	81
<b>Кунназарова Ш.М.</b> Қарақалпақ халық ертеклериндеги лингвомәдений түсниклердин метафоризациясы ...	83
<b>Қурбанбаева Б.Р.</b> Қарақалпақ тилиниң арқа диалектинде мал шарўашылығына байланыслы қолланылатуғын кәсиплик сөзлер .....	86
<b>Қуттымуратова Ы.А., Кумакбаева Г.К.</b> Кенимек районы казаклары тилиниң изертленији .....	88
<b>Ruzmetova O.A.</b> Matematik terminlar derivatsiyasining leksik-semantik usuli .....	89
<b>Серикбаева А.С.</b> Тахтакеопир районы топонимлериниң пайды болыў себеплери ҳаққында .....	91
<b>Утепбергенова Д., Джумамуратова Г.</b> Инглис тилиндеги фейил сөзлердин конверсия, композиция усылы менен берилиў жоллары .....	93
<b>Үсенова Қ.</b> Этнографиялық лексиканың түркій тиллерде изертленији .....	95
<b>Юсупова Б.Т.</b> С.Жумагулев шығармалары тилинде сеслик тәкиарлары фразеологизмлар .....	97
	<b>Ádebiyattanıw</b>
<b>Алламбергенов К., Палымбетов К.С.</b> Қарақалпақ жырауы: устаз-шәкирт дәстүри .....	100
<b>Allambergenov K.</b> Some important issues in the history of karakalpak folklore and literature .....	102
<b>Алламбергенова Г.К.</b> Әдебий байланыслар, аўдармалар, изертлеўлер-қарақалпақ эпосларын сырт елларде үйренијүдин әхмийетли қуралы сыпатында .....	104
<b>Алламбергенова Г.К.</b> Эпосларды жәхән илими стандартлары дәрежесинде үйренијүдин илимий-теориялық тиикарлары .....	107
<b>Алланазаров Е. А.</b> Дабыловтың «Бахадыр» дәстанында фольклорлық мотивлер .....	110
<b>Алланазарова Ф.К.</b> Нореалистик хикояда услуб ранг-баранглиги .....	111
<b>Azimov U.S.</b> “Masnaviyi ma’naviy”da olqish asosida yuzaga keltirilgan oddiy folklorizmlar .....	113
<b>Бекбергенова М.</b> Биринши қарақалпақ романы ( XX әсирдин 50- жылларындағы түркій тиллес халықтары романлары типологиясы контекстинде үйренилий мәселелери) .....	115
<b>Әгамқұлова Г.М.</b> Наўайы хәм Бухара аймағы қарақалпақ жыраўлары ҳаққында бир-еки аўыз сөз .....	117
<b>Халилова Д.Ж.</b> Бахшилар репертуарида "Наврұз" термалари талқини .....	118
<b>Худайқұлова Л.</b> Нурмон Абдувой ўғли ва унинг Самарқанд достончилиги анъанасида тутган ўрни .....	121
<b>Jaqsılıqova A. A.</b> Ábdievtiń satıralıq gúrtıńleriniń kórkemligi .....	123
<b>Ктайбекова З.К.</b> Ҳ.Өтемуратова гүрриндеринде көркем шеберлик .....	124
<b>Мехлиева Д.</b> Ўзбек фольклорида лоф ва эртак жанрларининг муносабати .....	126
<b>Отарова Т.Ж.</b> Халық аўызеки үлгилериниң Ә.Әжиниязов поэзиясына тәсирі .....	130
<b>Сапарниязов Р.</b> Түркій халықтарда мийүели ағаш ҳәм халық салт-дәстүрлери ҳаққында .....	132